

Шоир Юсуф Амирий XV асрда яшаган бўлиб, унинг девони, «Даҳнома» ва «Бағд ва Чоғир мунозараси» асарлари бизгача етиб келган.

Лекин шоирнинг ўз қўлёзма асарлари сақланмаган. Унинг бу маълум асарларининг кўчирилган қўлёзмалари ҳам чет эл музейларида сақланади.

«Даҳнома» асарининг XVI аср бошларида кўчирилган ягона нусхаси ҳам Британия музейидадир. Бу қўлёзманинг фотонусхаси СССР Фанлар Академиясининг Шарқшунослиқ институтида ҳамда Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Тил ва адабиёт институтида сақланади.

Амирийнинг «Даҳнома»си ҳам номачилик традицияларига қатъий риоя қилинган ҳолда ёзилган. Асар Улугбекнинг ақаси Бойсунғур мирзога бағишланган, чунки шоир ўзининг унинг ҳимоясида яшаганлигини алоҳида таъкидлайди.

«Даҳнома» Хоразмийнинг «Муҳаббатнома»си ёзилиш услубини бир қадар такрорлаган бўлса-да, ундан тили раволиги ва сюжети пишқлиги билан ажралиб туради. Нома асосини маъшуқ ва ошиқнинг бир-бирига йўллаган мактублари ташкил этади. Амирий бу ўринда оригинал баён услубини қўллаган.

Юсуф Амирийнинг «Даҳнома» асаридан айрим парчалар «Ўзбек адабиёти» китобининг I томига киритилган, холос.

Ушбу тўпламдаги асарнинг тўла тексти Ҳ. Сулаймонов номидаги Қўлёзмалар институти фондига 18 инвентарь рақами билан сақланаётган фотонусхадан ҳозирги ўзбек ёзувида биринчи бор нашрга тайёрланди.

Ўйлаймизки, бу асар ҳам ўқувчиларда катта эстетик завқ уйғотади, уларни XV асрнинг яна бир нодир асари билан танишишлариغا имкон яратади.

## ДАҲНОМА

Кўнгулким бу азимат соз қилди,  
Бу мушқил нақшни бунёд қилди.

Аритти мушқу анбар бирла оғзин,  
Лаболаб қилди шаккар бирла оғзин.

Тил андин сўнгра билди хизматини,  
Оғизга олди султон мидҳатини.

Ғиёсулҳақ ваддин Бойсунғур,  
Ки сўзига қулоқ тутғувчи дуру дур.

Саодат номасин чун бердилар арз  
Битиди бахт заллаюҳ фил арз.

Юқори ҳиммат отин улки сурди,  
Қамар бир ойча йўлин сурди.

Шаҳоб элни қуруб йўл бошлағувчи  
Ясовултек яғочин ташлағувчи.

Қавокиб ўрдада, ул ўртада ой,  
Муғанний Зухраву ул мажлис орой.

Анго ишрат ери кайвон равоқи,  
Аёқ қўйғучи бахту арш, соқий.

Анинг ҳукми фалак кўйина тегиб,  
Фалак чавгонитек ўз бўйини эгиб.

Бўлуб афлок қушлогинда сойир,  
Қушининг илбусини наср тойир.

Кўруб шунқорининг баҳри очилиб,  
Олиб семурғни турнотек илиб.

Қилиб адл элини бўрига ёғи,  
Қўкармай ёзида қўзи қулоғи.

Ҳаводис итина заҳмат қовушқон,  
Жафосин кўрмай уйқуда товушқон.

Етиб эл дардина ортуқ билиги,  
Епиб фақр эгнини очуқ илиги.

Улусни қутқориб меҳнат кунидин,  
Улукни уйғотиб ярмоқ унидин.

Саховат баҳрининг ямғурлуғ абри  
Шижоат ерининг учлук ҳазири.

Еруғлуқда зафар кўсини чолғон,  
Сикандарни қаронғулуққа солғон.

Қиличи иш кунни тилин узотиб,  
Йитиб олмосни лаъл ичра қотиб,

Тепиниб найзаси боқмай кишига,  
Йилонтек заҳралиғ сончиш ишига,

Бориб ёғиға ўқи онда қолиб,  
Гаҳе тил берибу, гаҳе тил олиб.

Уруш кунни бори иши яроғлиқ,  
Қаро чирики забт этмай ясоғлиқ.

Муаммо фикритек ҳар ишга бориб,  
Анинг зеҳни ул иштин от чиқориб.

Эшиги Зуфунунларнинг макони,  
Замири барчанинг илм ошиёни.

Кечиб оллида юз турлук дақойиқ,  
Маориф бирла анвои ҳақойиқ.

Бири ҳайъат риёзидин териб гул,  
Бири ҳикмат шафосидин бериб мул.

Бири иқлидис ашколин ҳал этиб,  
Бири кўк жадвалинда мадҳал этиб.

Бири фақр ичида асраб мақомин,  
Бири мантиқ сори элтиб каломин.

Бири жуфру ҳуруф иқлимида қоф,  
Бири таърих майдонинда авсоф.

Бири ашъор баҳриндин су сочиб,  
Бири адвор рудиндин сўз очиб.

Сўзум хашхошу ул мажлисдур афлок,  
Не кўрунгай тенгиз ичинда хошок.

Агар мен анда келтурдум сўзумни,  
Бу фан бирлан соғиндурдум ўзумни.

Менинг ишимга ўхшар ул ҳикоят,  
Ки Ҳорундин қилурлар эл ривоят.

#### ҲИКОЯТ

Анингтек кўргузур сўз раҳнамуни,  
Қи топти бир араб бозида сувни.

Не сув бир қўлмаки қўлмакка лойиқ,  
Кўрубон тутти ул замзамқа фойиқ.

Деди:— Ераб, бу сувни нетайин мен,  
Олиб елтек қаёна кетайин мен.

Кената тушти бу савдо бошина,  
Ким элтай тўралаб Ҳорун қошина.

Олиб сувни юруди шаҳр сори,  
Туго тушмай анинг шатқа гузори.

Они иззат билан чулғаб юз алвон,  
Соғин бу хизрдур ул оби ҳайвон.

Етиб Ҳорун қошина қўйди бўйин,  
Узотиб сув бошида гуфту гўйин.

Ки шоҳо мен араб, мен ерда тузғон,  
Тикон бирлан муҳаббатин дам урғон.

Қулондин ўзга ишда ҳамдамим йўқ,  
Кийиктин ўзга ёру маҳрамим йўқ.

Кечиб сувдин юруб кўз ёши бирлан,  
Кун элтиб ойу йил ўт боши бирлан.

Тилаб бир пора ёмғур суйи топтим,  
Зилолидин тамаъ оғзини ёптим.

Ўзум ичмай санго келтурдум они,  
Ки кўрдум сенда султонлар нишонни.

Манго эмди бу сувдин обрў қил,  
Дедим улким бор эрди ўзга сен бил.

Табассум қилди чун эшитти Ҳорун,  
Риоят бирлан они қилди Қорун.

Буюрдиким бировга они қотинг,  
Идишин тўлдуруб ярмоқ узотинг.

Ки гар ул билсаким бор Дажла суйи,  
Тўкулгусидир энинг обрўйи.

Бу кун шеърим суву мен, ул араб мен  
Зиҳи густоҳу гўлу беадабмен.

Ки даръё оллига сувни юбордим,  
Масиҳо ошига доруни бердим.

Умид улким бу жарротни гадодин,  
Кечургай подшаҳ лутфу атодин.

Халифа расму ройи бирла боргай,  
Иноят суйи кўкартиб чиқоргай.

Илоҳи то эрур чарх ой билан кун,  
Ҳалифат тахтин андин тут ҳумоюн.

Муборак хотирини берма ғамға,  
Тутобергил араб бирлан Ажамға.

#### *ДАР САБАБИ НАЗМИ КИТОБ*

Манго бир дўсте бор эрди жони,  
Кўнгулда меҳри онинг жовидони.

Қилиб ул ўқтек эл бирла тузлук,  
Қиличтек йўқки бўлгай икки юзлук.

Қудурат зулмати кўнглидин фориғ,  
Еруғ кўзгу сифатлик ичи ориғ.

Йўлуқги бир кун кўргузди таклиф,  
Ки келтургил бу кун ўюмга ташриф.

Замони ўлтуруб суҳбат тутоли,  
Қилоли шишатек кўнгулни холи.

Салоли ғам черикина саримат,  
Билоли айшу ишратни ғанимат.

Емас оқил бу кун тонглоғи ғамни  
Эшит мендин ғанимат тут бу дамни.

Май ич паймона тўлмасдин бурунроқ,  
Бу сувдин ур хирад кўзина туброқ.

Аёқ тўлдур қави тут бода дастин,  
Ки то кўргузмасун даврон шикастин.

Чу ул ёрий тутар эрди ўзини,  
Юрудум солмадим ерга сўзумни.

Бориб хуш хуш чу еттим манзилина,  
Қилиб васфини талқин жон тилина.

Тузотиб мажлисе ул не таваққуф,  
Такаллуфсиз вале айни такаллуф.

Йиғилиб базм аро исо нафаслар,  
Тирилиб айшдин ўлгон ҳаваслар.

Юқори ошуруб мени оғирлаб,  
Аёғ элига олиб тутти йирлаб.

Қўбузчи завқ бахшу нағма пардоз,  
Қилиб паррон эли булбулдек овоз.

Тобуқдо не камар ешмай белидин,  
Юкунуб чанг чангилар элидин.

Не ўтин ўчуруб унлар садоси,  
Жаҳонни кўчуруб барбат навоси.

Маоширлар димоғини саросар,  
Қилибон мажмар анфоси муаттар.

Самандартек товуқлар ўтқа мойил,  
Қилиб бўйнига қўллар ҳамойил.

Муғанний гарм нақшин кўргузурда,  
Алар ҳолат қилибон чарх урувда.

Қолибон олма кўнгли бор ичинда,  
Ки солди ўсрук они нор ичинда.

Кўруб нор ичгучиларнинг ишини,  
Кулуб андоқки кўргузди тишини.

Улуб соқий аёгин дам-бадам эл,  
Кўнгул очилмоғиға боғлабон бел.

Қилиб суҳбатни ҳамдамлар даме гарм,  
Тааммул пардасиндин кетиб озарм.

Тараб ишрат хатидин тортмай бош,  
Кўнгул чини суроҳидин булуб фош.

Ҳикоятлар улошиб бир-бирига,  
Қулоқ солмай йиравчилар йирига.

Босиб танбурчи эгри аёгин  
Уруб танбурини тўлгаб қулоғин.

Муғаннийлар чолиб мажлисда хушлар,  
Юруб соқий тутуб сар кўча қушлар,

Уланди кеча тегру эл йиғини,  
Чиқорди эл чоғирдин аччиғини.

Чу май қилди мушавваш эл димоғин,  
Дедим тут эмди отланур аёгин.

Аёғ ичиб, кўпуб отландим ондин,  
Бағоят хурраму фориг жаҳондин.

Бошимдин элтибон май нашъаси хуш,  
Бериб юз шеър баҳри тунду баржуш.

Мубарро бўлубон диний ғамидин,  
Чиқиб яъне такаллуф оламидин.

Кўнгулда жилва бериб хўбларни,  
Соғиниб эртаги маҳубларни.

*ПЕШ ОМАДАНИ СОҲИБЖАМОЛ ДАР РОҲ*

Бу ҳолатда йўлуқти бир нигори,  
Шакар сўзлуқ бути симин узори.

Карашма кўзларига сурма тортиб,  
Кўнгул нақдина қосид кўз қаротиб.

Қоши ошиқ фиребу зулфи дарҳам,  
Уруб кирбуклари динини дарҳам.

Кўзи қон қилғучи-у ғамза ғаммоз,  
Юруб ул тўкулубон шевау ноз.

Қилиб ўз боши бирлан зулфи қонлар,  
Бузуб жавр илиги бирлан жаҳонлар.

Юз алвон ишвалар бир боқмоғинда,  
Фироқи саъй этиб қон оқмоғинда.

Қаманд эрди сочидин элга бир тор,  
Менингтек сар хамида юз гирифтор.

Йитибон ишқи тўлғоди илигим,  
Янги ой эрди тутти телбалигим.

Дедим: тур тенгри учун турди ул ой,  
Юругуб эл кўзин ул шўхи худрой.

Дедим: эй, умр ўтарга қилма рағбат,  
Деди: гар умр ўтар хуш, бил ғанимат.

Дедим: турғилки жоним ичра ўқтур,  
Деди: жонға борурдин чора йўқтур.

Дедим: лаълинг сусоғонларға боқмақ,  
Деди: усрукка шарбат онча ёқмас.

Дедим: етгайму сендин ташна суғо,  
Деди: йўқтур бале айб орзуғо.

Дедим: зулфунгда боғлиқтур жафолар,  
Деди: олингда бордур кўп балолар.

Дедим: сочинг хаёлидур зарарлиқ,  
Деди: ул мушк бордур дардисарлиқ.

Дедим: кўзунг қароси дилрабодур,  
Деди: усруктуру ичи қародур.

Дедим: қошингга элнинг майли ортар,  
Деди: ёдур кўнгул ул ёни тортар.

Дедим: холинг эрур офат нишони,  
Деди: келтурмагил юзумга они.

Дедим: жонимда шавқинг ғулғули бор,  
Деди: ҳар қонда гулдур булбули бор.

Дедим: олғил мени сен бир қулунгга,  
Деди: кўп сўзлама борғил йўлунгга.

Дедим: йўлдур ёвуқ, кел, билса бўлмас,  
Деди: мунда ёвуқлуқ қилса бўлмас.

Дедим: турғил, равони сурди отин,  
Кўзум кўрди бородурғоч ҳаётин.

Юрудум эв сори мен зору гиръён,  
Қилиб парвонатек ўзумни биръён.

#### *НЕТИДОН ТАХАЛЛУҚ ВА НОМА НАВИШТАНИ МАҲБУБ*

Саҳар симин бари чун сурди рахшин,  
Паришон этмак учун нур нахшин.

Қўборди элни чорлаб тонг хуруси,  
Кўрунди ожтек тун обнуси.

Кўнгултек дард кўсин чалди офоқ,  
Нафири қилди элнинг тоқатин тоқ.

Юруди эл қўпуб ҳар ишга мойил,  
Мени азғуруб ул шаклу шамойил.

Саҳар шамъитек ул дам жон талошиб,  
Келиб ишқ ўтию бошимдин ошиб.

Тутиб суҳбат хаёли бирла ноком,  
Боғир хунобасиндин тўлдуруб жом.

Кўзумдин ул санамтек уйқу бориб,  
Келиб ёш ўрнига тўфон қўбориб.

Кўнгулда ғамзасидин юз жароҳат,  
Кўпуб дуду ўчуб кўзумга роҳат.

Фироқидин кўруб жавру ситамни,  
Сигишдуруб бири бирига ғамни.

Фароғат карвони рахт боғлаб,  
Видоё ўти билан кўксумни доғлаб.

Паёпай танда ўксуб хўрду хобим  
Дамодам елтек ортиб изтиробим.

Ғаҳе қон тўкмака кофир хўйитек,  
Ғаҳе туфроққа ағнаб кўз суйитек.

Ғаҳе сабр этаги илимда ғамнок,  
Ғаҳе йиғлаб қилибон пираҳан чок.

Ғаҳе кўруб хадангин оҳ тортиб,  
Ғаҳе асраб кўнгулда, ғаҳ тортиб.

Ғаҳе айтиб ўзум бирлан ҳикоят  
Ғаҳе айтиб фироқидин шикоят.

Ғаҳе бўлуб сабо бирлан ҳамовоз  
Ғаҳе фарёду афгон бирла дамсоз.

Сабо эрди манго чун ёру ҳамдам  
Ани билдим бу мушкил ишда маҳрам.

Дедим: эй, мунису ёри сабук руҳ,  
Ки сендин тоза бўлди жони мажруҳ.

Кишига йўқ муайян тулу арзинг,  
Вале маълум бўлди тайин арзинг.

Сулаймон тахтининг чобуксувори  
Бериб Яъқубқа Юсуф насими...

...Ҳаводорим сену мен хаста ёринг,  
Не ёрингким сенинг бир хоксоринг.

Не бўлгай гар менинг ҳолимни бир-бир,  
Бориб бир ерда қилсанг эмди тақрир.

Бу ниятни ўзунга фарз билсанг,  
Санго ҳар неки десам арз қилсанг.

Етурсанг номае ошиқ тилидин,  
Хабар берсанг бир ойнинг манзилидин.

Сабо эшитти волиди нафасни,  
Борурға тез кўргузди ҳавасни.

Битидим номае мен жонға етиб,  
Қаро кўздин қалам кирбукдин отиб.

Қилиб сўз гавҳари бирла дурафшон,  
Этиб кўз қонидин юзига афшон.

Равон бўлди олиб беки сабукхез,  
Юрубон йўлда гаҳ оҳиста, гаҳ тез.

Хиромон етти чун ул гул қошина,  
Дуо қилди ва эврулди бошина.

Ер ўбтиу туто берди илига,  
Рисолат этагин санчиб белига.

#### НОМАИ АВВАЛ АЗ ЗАБОНИ ОШИҚ БА МАЪШУҚ

Ало, эй меҳрнинг тобанда моҳи,  
Малоҳат кишварининг подшоҳи.

Жийрон кўзлук бути мушкин кулола,  
Кўзи наргис, бўйи сарв, энги лола.

Набот оғзинг чу кўргузди шакарханд,  
Юзунг берди лабингдин элга гулқанд.

Лабинг таънини лаъл ўзига олмас,  
Недир ул сангсор охир уёлмас.

Белингни синжилаб топмади кўзлар,  
Ки тор оғзинг бикин бор анда сўзлар.

Руҳу зулфунг сўзи гулшанда бориб,  
Қарориб гул вале сунбул қизориб.

Кўзунг усрук қўбориб фитна қомат,  
Қошинг меҳроб этибон юз қиёмат.

Юзунг шамъу анго бир шуъла хуршид,  
Ёзуғлуққа топиб парвона жовид.

Сипанд этиб кўнгул ўзини ғам еб,  
Юзунго чашм захми тегмасун деб.

Эсиб шавқинг насими жон ичинда,  
Шақойиқтек кўнгуллар қон ичинда.

Юзунг ойна кўбтур муштарилар,  
Ўтотиб кўзга кўрунмас парилар.

Кўнгул зулфунгда-у ондин чиқиб дуд,  
Наво бирлан тузолиб игрию уд.

Лабинг ишрат сурудини демакда,  
Мен оҳу нола бирлан қон емакда.

Сочинг бирлан белинг бир бўлмига ёр  
Паришон фикрларга мен гирифтор.

Мени солди буто меҳринг бу кунга,  
Улошти хуш-хуш аҳволим жунунга.

Юзунгни кўрубон ошуфталикдин,  
Мен ўзумдин бориб кўнглум иликдин.

Кўзунг сеҳри манго уйқуни боғлаб,  
Ғаминг меъёрида ҳолимни чоғлаб.

Фаровон панд бердим ўз-ўзумга,  
Юзунгдин ўзга кўрунмас кўзумга.

Не ҳосил ошиқи ошуфтага панд,  
Ки зулфунг солди ҳар бандина бир банд.

Юзунг хуршидина кўптур ҳаводор,  
Вале бу зарратек йўқтур вафодор.

Камина эшигингда бир гадоинг,  
Тутубон эл кўзида хоки пойинг.

Агар фаръед этар бечора булбул  
Сен ул ундин паришон бўлма эй гул.

Париға чора йўқ девоналардин,  
Нечукким шамъга парвоналардин.

Эрур гул қошида булбул нафири  
Шакардин ҳам жабиндин йўқ гузири.

Бу кун туттум ки кўзунгдур жафолиғ,  
Юзунг бергай худ охир ошнолиқ.

Сен ул кунки назарни мендин олма,  
Билиб ўзунгни билмасликка солма.

Мени ўтқа солиб турма йироқдин,  
Тамошо қилма ёт элтек қироқдин.

Кўрунди то сочингнинг ҳалқа доми,  
Кўзумни тийра қилди ғусса шони.

Қачон етгай манго ул ғамза фаръед,  
Қим илингон қуш унин севар сайёд.

Мен ул парвонаменким йўқ саботим,  
Вафо ўтина исинди қанотим.

Сенинг куюнгда саргардон юрурмен,  
Юзунг шамъини кўруб жон берурмен.

Не кўнгулдин санго, парвона жондин,  
Сени деб кечибон жону жаҳондин.

#### ҒАЗАЛ

Хаёлинг хайли эй жоним чароғи,  
Турур кўзумдау кўнглумда доғи.

Юзунг кўрар кузумдур гар рақибинг,  
Кўра олмас они чиқтек қароғи.

Қачон зулфунг кўнгул бирлан тузалгай,  
Қим эгридур онинг боштин-аёғи.

Фигонимни рубоб оллиға эй дўст,  
Не этойин чу эшитмас қулоғи.

Кўрунг кўнглунгда экмас меҳр тухмин,  
Ажаб йўқ тушмади экин яроғи.

Юзунг гулзоридин йўқтур манго ранг  
Очилғил гаҳ-гаҳе эй ҳусн боғи.

Амирий оллидин то ўтти ул зулф,  
Насимидин мушаввашдур думоғи.

#### ҒАРД

Димоғининг иложин қилғил эй ой,  
Ки Мажнунтек бўлубтур бе сару пой.

#### МУТОЛИА НАМУДАНИ МАЪШУҚ НОМАИ ОШИҚРО ВА ЖАВОБ ФИРИСТОДАН

Жароҳат номанинг муҳрини ул гул,  
Улоштурди или нарғисга сунбул.

Кўзин хатларға қилди кор фармой,  
Қаронгу кечада юлдузтек ул ой.

Уқуб ҳар сатрини ирғатти бошин,  
Юз алвон ўйнатиб кўзин ва қошин.

Тугатти-у, итоб оғоз қилди,  
Ғазабни ғамзаға дамсоз қилди.

Ки кимдур бу рақамға нукта пардоз,  
Муҳаббат куйиндин қилғучи парвоз.

Ўзини куч билан бергучи ғамға,  
Ясониб ўтру борғучи аламға.

Машаққат элина солғучи жонин,  
Ўзи ўз бўйнинна қилғучи қонин.

Бу худ оқил кишининг иши эрмас,  
Ки оқил кўнглини ҳар кимга бермас.

Магар бир телба янглиғ беқарори,  
Паришони паришон рўзгори.

Ҳаво бирлан ҳавас ройина борғон,  
Залолат макру олдидин қарорғон.

Не иш бўлғай бу ошиқлиқ жаҳонда,  
Ўзи маҳрумун эл андин гумонда.

Келиб бадномлиқ таблини чолмоқ,  
Ўзини тегла эл тилига солмоқ.

Оғиз очмай ўлуб нокомлиқдин,  
Қилиб фахр уни исм бадномлиқдин.

Солиб шаҳр ичра ишқ овозасини,  
Очиб ғам юзига дарвозасини.

Анинг дардидин этмай ҳеч ким ёд  
Етиб дардина гаҳ-гаҳ нола фаръёд.

Бирав деди: бу мискиндурким ул кун,  
Сени кўрди йўл ичра бўлди мафтун.

Неким деди: сен анинг сори бординг,  
Ани хуш сўз била йўлдин чиқординг.

Бери келдинг сен ул борди ўзидин,  
Бориб оллида дур поло кўзидин.

Кўнгул берди санго-у тегди жонға,  
Тили ишқинг сўзин ёйди жаҳонға.

Тиламас эмди жононсиз тириклик,  
Ки мушкулдур анго жонсиз тириклик.

Деди: ул гул чу зойиъ бўлди авқот,  
Қалам бирлан давоти келтурунг бот.

Битинг асбоби чун бўлди муроттаб,  
Ғазабни лутф илан қилди мураккаб.

Битиди номау қилди таваққуъ,  
Аёқтин бош бори таъризу ташйиғ.

Сабо олина ташлайберди ким ол,  
Равон йўл-йўл юрувда қилма асмол.

Анго еткурки кўрдунг изтиробин,  
Вале зинҳор келтургил жавобин.

#### НОМАИ ДУВВУМ АЗ ЗАБОНИ МАЪШУҚ БА ОШИҚ

Ало, эй, фазл мулкининг чароғи,  
Тоғиб фикр ўтидин нуқсон димоғи.

Паришон фикрлик девоналартек,  
Жиҳатсиз куйгучи парвоналартек.

Таманно курсини не ерга тортиб,  
Ишинг савдойилардин доғи ортиб.

Таманно қил вале ўзунга лойиқ,  
Тамошо қил вале кўзунга лойиқ.

Санго тегмас ки меҳримдин дам урсанг,  
Ўзунгни зарра янглиг барҳам урсанг.

Мен ул оймен ки кундур фурқатимда,  
Куяр ичию йўл топмас қотимда.

Мен ул гулмен ки баргим йўлда қолмас,  
Вале бир ел келибон элта олмас.

Мен ул дурмен ки нақдимдур сафолиғ,  
Енгил беҳад вале оғир баҳолиғ.

Йўқ андоқ гавҳари бе қадру миқдор,  
Ки ҳар муфлис анго бўлғай харидор.

Гадо туттум ки юз минг саъй этгай,  
Вале эли мунингтек дурга етгай.

Юру ижмо маломат маҳфилини,  
Ўзатмай ўзунга элнинг тилини.

Хаёледурки топқайсен висолим,  
Кўрунгай кўзунга ойтек жамолим.

Юзум аксини кўзум сувда кўргай,  
Кўзумни ўзга эл уйқуда кўргай.



Не бұлди завқ учун гар йўлда турдум,  
Сенинг бирлан бир икки ҳарф урдум.

Уюнни ҳам уюн бирлан кечургил,  
Санго ким дер тамаъ отини сургил.

Яроғсиз жавругунг фикринг яроқ ҳам,  
Тамаъ хому сен андин хамроқ ҳам.

Эшиттим анда йиғлаб оқ уурсен,  
Ўзунгни тегла-элга кулдуурсен.

Ўзунгни бермагил шайтон илина,  
Совурма гардини тўфон елина.

Сўз эшитмай десанг, сен сўз эшигин,  
Йўқ эрса ҳам кўнгул кенина етгин.

Кўнгул кенина боргондин умид уз,  
Ки ҳаргиз эгри иши бўлмағай туз.

Тааллуқдурки сен ғам ҳамдамисен,  
Ани тарк эт ки хуш-хуш одамисен.

Фасиҳат қилмоғил ўзунгни умдо,  
Ки ҳаргиз қилмади суди бу савдо.

Кўзум ғавғосидин бир гўша тутқин,  
Ҳамул бир кўрмадинг яъни унутқин.

Ниёзлуғумға ҳам чулғашмагин ҳеч,  
Ким анинг қиссасидур печ дар печ.

Бўйим сарвин ки кўрдинг нозпарвар,  
Тамаъ узким киши андин емас бар.

Висолим хонидин ул хаста тўйғай,  
Ки жонини илик устида тутғай.

Жамолимдин ўқуғай ул рақамни,  
Ким аввал бошина қўйғай қадамни.

Бу асли йўқ ҳавасқа қўйма бунёд,  
Туганмас дарду ғамдин бўлмағил шод.

Ғамим дарёсина солма назарни,  
Ки сув элтибтур эмди ул гузарни.

Лабимдин жонки қилдинг ул замон доқ,  
Не соғиндинги ул бир тушти андоқ.

#### ҒАЗАЛ

Санго кўргузмағай рух зулфу холим,  
Агар юз қатла бўлсанг поймолим.

Мени сен кўрмағайсен ўзга ҳаргиз,  
Паритек кўзунгга учқай жамолим.

Юзум ойинасиндин гар дам урсанг,  
Кўрунғай кўзунгга гаҳ-гаҳ хаёлим,

Ўзунгни қилма усру бе сару барг,  
Ким эгилмас сенинг сори ниҳолим.

Неча пўбастатек сарбаста сўзлар,  
Ки тутти пуч даъвидин малолим.

Менингдек ою кўк устида йўқтур,  
Бу кун кўрким не ерга етти ҳолим.

Манго кўргузмасун тенгри худ ул кун,  
Ки туфроқ бирла бир бўлғай зилолим.

#### ҒАРД

Зилолимдин кетар кўнглунг хўйини  
Кўрубон ютмағил ҳасрат суйини.

#### МУТОЛИА НАМУДАНИ ОШИҚ НОМАИ МАЪШУҚРО ВА ЖАВОБ ФИРИСТОДАН

Равон қилди фалак чун жоми Жамшид,  
Аччиқланиб қизориб чиқти хуршид.

Улус юзига тортиб теги бебок,  
Иликидин яқосин субҳ этиб чок.

Жаҳонга кўргузубон тез хўйин,  
Тўқубон ерга элнинг обрўйин.

Эшикдин кирди ул Исо нафаслиқ  
Ки топти кун қошинда дастраслик.

Аёғи боши булғаб гард ичинда,  
Иликда номау дарди ичинда.

Манго берди муҳаббатқо ишониб,  
Башорат бирла кўктин ерга ийниб.

Дуотек олибон суртуб кўзумга,  
Тасаллий бердим андин кўп ўзумга.

Табаррук бирла жон таъвиди қилдим,  
Киши чун билмади ўзумни билдим.

Еруди хатлариндин кўз юз алвон  
Қоронғулуғда топти оби ҳайвон.

Манго юз қўйди давлат ҳар тарафдин,  
Саодат куни туғди ул шарафдин.

Кўнгул ҳар соате ором топти,  
Ки дилдор оғзидин ул ком топти.

Битикида тааммул қилдим эрса  
Битикитек даме очилдим эрса.

Кўрармен қоши этиб фитна ангиз,  
Итобу ғамза бозорин қилиб тез.

Тили аччиқ сўзин шаккарга қотиб  
Кўзи таъриз ўқин жонға отиб.

Сабо кунда вулуб айтиб тез сўзлар  
Эшитиб анда бодангиз сўзлар.

Совуб кўнгли бу хизматқо қовушмас,  
Дедим: мардона бўлким ҳеч бўшмас.

Не соғиндинг манго мундин ғам эрди,  
Кўнгул захмина бу бир марҳам эрди.

Неким чиқса тилидин жон талошур,  
Ачиг сўз тотлиғ оғизга ярошур.

Деди: бас, жаҳд қил недур тааммул,  
Жавоб айтурда кўргузма тааллул.

Ки кўрдим мен анинг нозу итобин,  
Кичик бим андаким биру жавобин.

Кириштим сўз безарга хоматек тунд,  
Ишимда сарзанишдин бўлмайин кунд.

Битидим сафҳа мен жону тилидин,  
Қилибон арз ҳижрон мушкилидин.

Фаровон дарди дил кўргузуб анда,  
Қилиб шарҳиким ул сиғмас гумонда.

Анго топшурдуму ул учти дарҳол,  
Этиб саъй анда этти форигул-бол.

Ҳаминким тобти бори ҳазратина,  
Тавозиъ қилдию қўйди қотина.

#### НОМАИ СЕИЮМ АЗ ЗАБОНИ ОШИҚ БА МАЪШУҚ

Ало, эй ҳусн боғининг тазарви,  
Латофат жўйборининг ки сарви.

Юз алвон шевалик шўхи шакарханд,  
Ки то кўрди лабингни эриди қанд.

Лабинг олида эл жон келтурурлар,  
Кўзунгни кўруб имон келтурурлар.

Уқуб зоҳид муҳаббат ғоятиндин,  
Қошинг меҳробиде нур оятиндин.

Қилибон мушкни ул анбарин менг,  
Жаҳон ичра қаро туфроқ била тенг.

Ешунуб гул юзунгдин боғларда,  
Қочиб лола чиқибон тоғларда.

Келиб куюнгда сарвисин бериб,  
Аёғ босиб бошини елга бериб.

Юзунг шамъ оллида ул зулф тунтек,  
Кўрунуб ўтқа тўлғошқон тутунтек.

Сочингда шона ҳайрон мушкилидин,  
Балоларға илиниб ўз тилидин.

Илик юб ўзидин сув хизматингда,  
Ариглиқ лофин урмай ҳазратингда.

Юзунг холи солиб ўт ичра фулфул,  
Фусун қилмоққа очиб лабларинг тил.

Янгоқингдин музалзая халқ ройи,  
Лабинг юзунг байрам ойи.

Гулоб айди ки келса юз жевурма,  
Анинг ул хизматин юзига урма.

Магар лоф урди гул билмай ниҳоний,  
Ким ағноттинг тикан устинда они.

Мени эй бахт умдо этмагинг не,  
Жароҳат устина туз сепмакинг не.

Кўнгулда ишқинг ўти солди тўлғоғ,  
Яна доғ устина сен қўймоғил доғ.

Не ҳожат қасди жон тандин чу гавҳар,  
Туғангон шамътек ким ўзи ўчар.

Мени синдурмаким гам синдурубтур,  
Бориб кўнглини мендин тиндурубтур.

Хуш эрмас жаврини ҳаддин ошурмоқ,  
Келиб ўқ отмоқу ёни ёшурмоқ.

Тағофил дафтарин очмоқ, не яъне,  
Солиб ўт уйгау қочмоқ, не яъне.

Не бўлди гўй агар арз этти ҳолин,  
Деди, саргашталиқдин ўз малолин.

Гадо аҳволини хонларға дерлар,  
Яроғлик сўзни султонларға дерлар.

Лабинг туттум ки бермас ихтиёри,  
Кўнгулни асрағил тил бирла бори.

Сенинг куюнгда эй кўрк ичра боғим,  
Бошим гар борса, бормағай аёғим.

Мен ул булбул эмасмен, эй гуландом,  
Ки бир дам баргсиз топқаймен ором.

Куяр парвона жондин қайғу эмас,  
Киши парвонадин худ эксук эмас.

Мен ул кунким ғаминг созини туздум,  
Сени дедим кўнгулни жондин уздум.

Ямон яхшига англади ғамимни,  
Тутубмен эшикингда мотамимни.

Улумдин гар манго ҳижрон туни бор,  
Не ғам эй дўст чун машҳар куни бор.

Чиқойин ер ичидин нола янглиқ,  
Кафанни қонға булғаб лола янглиқ.

Тутайин этагингни тўқубон ёш,  
Юзунг меҳрини элга этибон фощ.

Умидим улдур эй сарви суманбар,  
Ки етгай васл боғидин манго бар.

#### ҲАЗАЛ

Буюнг сарвики нанг ер суҳбатимдин,  
Эгилгай оқибат туз ниятимдин.

Этогингго илигин урғай, эй гул,  
Чиқиб бир-бир тиконлар турбатимдин.

Лабингни кўрдуму холинг чини,  
Илигин барҳам урди ҳайратимдин.

Агар кўнглунг манго куйса ажаб йўқ,  
Ки кўруб тош эригай руққатимдин.

Танимдин жон кўруб раёно қадингни,  
Равон бўлди қутулди миннатимдин.

Аёғингго қўёйин зулфтек бош,  
Агар тўлғонмасанг бу хизматимдин.

Умиде асрағил кўз боғи бирла  
Сен ул гул неки бормасун қотимдин.

ФАРД

Қотимдин кўп хаёлингни қочурма  
Жароҳат майлини кўзумга сурма.

*МУТОЛИА НАМУДАНИ МАЪШУҚ НОМАИ ОШИҚРО  
ВА ЖАВОБ ФИРИСТОДАН*

Битик печина чун қулғашти ул ҳур,  
Қовуштурди или анбарға кофур.

Хат ичра солди кўз ул тун чароғи,  
Нетукким тун ичинда кун чароғи.

Мусалсал зулфитек чун урди барҳам,  
Кўнгул ҳолини анда топти дарҳам.

Ичина дарди онинг кор қилди,  
Кулуб бир зарра меҳр изҳор қилди.

Деди: нетсун киши бу мубталоға,  
Ки куч бирлан ўзин солди балоға.

Маломат қибласидин юз оюрмас,  
Халойиқ неча таън урса дам урмас.

Таниға чулгошиб заҳмат жунунтек,  
Қўёбериб ўзин ранж ичра тунтек.

Қиличтин қил учича йўқ анго ваҳм,  
Евутмас ўзига худ ўқдин ваҳм.

Насиҳат бирла ул келмас ўзига,  
Юз оюрмай турубтур бир сўзига.

Киши кун юғро ҳам киришса бўлмас,  
Сафоҳат кенина эришса бўлмас.

Борур бот ҳусну қолмас бу йигитлик,  
Қолур аммо ирик сўз бирла итлик.

Не дебон мен ани кўздин билойин  
Кўнгул олдим бориб ҳам жон олойин.

Биравким жон билан йўқтур низои,  
Нечук мен бўлайин қонина соғий.

Улук бошина етмаклик хуш эрмас,  
Совуқ су юзига сепмак хуш эрмас.

Келибтур боғда гулдин очилмоқ  
Ярошмас тил тиконтек тез қилмоқ.

Кўрубтур гул юзин булбул ҳамиша,  
Тиконларго ёвуқтур гул ҳамиша.

Тилабтур ўт исиниб гул чароғин,  
Упубтур су тузолиб сарв аёғин.

Ерубтур шамъдин парвона кўзи,  
Суубтур заррани хуршид ўзи.

Ародин олайин ётлиғ ҳижобин,  
Очуқ ёруқ юборайин жавобин.

Тааммул қилди бир дам ўз ўзига  
Қалам тилини очти сўз юзига.

Тасаввур мантиқин чун қилди тасдиқ,  
Битиди номае лутф ила таълиқ.

Чу кўргузди муҳаббатни юз алвон,  
Тугатти номани у қилди унвон.

Тилади оллида тинмай сабони,  
Битикни бердиу тез этти они.

Деди: дам урмай отланмоқ кераксен,  
Агарчи елсен ёнмоқ кераксен.

Чу қўйсанг ул хароб оллида коми,  
Битикни тез еткур биздин саломи.

*НОМАИ ЧАҲОРУМ АЗ ЗАБОНИ МАЪШУҚ БА ОШИҚ*

Ало, эй дард оҳангини тутқон,  
Ўзини нақшлар бирлан овутқон.

Не емакдин на уйқудин солиб сўз,  
Емактин тўюб, уйқудин юмуб кўз.

Сени, дедим, бу даъвида синойин,  
Тараддуд боридин бир дам тинойнн.

Қизил олтун ки васфин қилса бўлмас,  
Ани куйдурмагинча билса бўлмас.

Кабоб ўтқа тушар нокомлиқтин,  
Ким андин ваҳм этар эл хомлиқтин.

Ясарлар олматек эл эритиб мум,  
Бўлур ул тишлаган оғизға маълум.

Манго билгурди эмди иттиҳодинг,  
Бор эрмиш зулфума чин эътиқодинг.

Санго ул замзама бехост эрмиш,  
Ҳар оҳанги ки қилдинг рост эрмиш.

Кўнгул кўзгудир они билса бўлур,  
Ичиндагини пайдо қилса бўлур.

Битикларингда солдим мен баса кўз,  
Тиладим кўп сўзунгда топмадим сўз.

Менинг итиклигимдин бўлмадинг кунд,  
Ўзунгни қийладинг ташниъдин тунд.

Евуқ келдинг ироқ солмай ўзунгни  
Ачиқтин боғламай ширин сўзунгни.

Бу одат хуш яғочлар мевасидин,  
Ки нўш этсанг берурлар мевасидин.

Садафтин доғи ул хуш бе тағайюр,  
Қим ани неча синдурсанг берур дур.

Қамиш ҳам холи эрмас ким бирав қанд,  
Неча оюрсанг онинг бандидин банд.

Қиши деса севармен урса бўлмас,  
Бу ёзуқдин они ўлтурса бўлмас.

Нечук мен дўстни душман қилойнн,  
Илик берса аёғини силойнн.

Шакар ўрнина ҳантал ким берибтур,  
Ямон сўз яхшиға ким юборибтур.

Севар севгучини ҳар кимки бўлса,  
Сўзи ҳар нечаким оламға тўлса.

Берур тоғ одамигарлиғ нишони,  
Ки ҳар не десанг айтур ул ҳам они.

Хаёлим йўлидин кўзунгни олма,  
Чу бўлдум жон санго кўнглунгни солма.

#### ҒАЗАЛ

Ўзун тун қолмоға олингда ғамлар,  
Еруғай айш ичинда субҳидамлар.

Очилғай меҳр бозори бўлуб гарм,  
Ичингдин рахт боғлағай аламлар.

Муҳаббат кўсида кўзунг сўйинди,  
Ҳавас ўти чиқиб урғай аламлар.

Илик бергай нишот аёғи ҳар дам,  
Малолат юзина босиб қадамлар.

Келиб иқбол бош қўйғай қотингда,  
Бузулмоқлиқға юз қўйғай ситамлар.

Ирилғай ғам оти жон дафтаринди,  
Кўнгул жамъина тортилғай рақамлар.

Иноят номие келгай анингтек,  
Ки васфинда қароргай кўп қаламлар.

#### ҒАРД

Қаламлардин дуруст эрмас ривоят.  
Ки сиғмас тилларига ул ҳикоят.

*МУТОЛИА НАМУДАНИ ОШИҚ НОМАИ  
МАЪШУҚРО ВА ЖАВОБ ФИРИСТОДАН*

Чу фош этти фалак маъшуқаси меҳр,  
Жаҳон авранг бўлди меҳр гулчеҳр.

Хизр қилди равон жон чашмасини,  
Илики очти ҳайвон чашмасини.

Ёруди ер кўзи тун Маръямидин,  
Башорат берди Исо ҳамдамидин.

Исиниб етти ул фархунда мақдам,  
Ки оёғи уйиндин бутради ғам.

Нишот ангиз лаззат ғоятитек,  
Ёзуғлуғларға раҳмат оятитек.

Йитик берди ва жон киргузди танга  
Хабар берди тирикликтин баданга.

Очилдим ул иноят номасидин,  
Қутулдум дарду ғам ҳангомасидин.

Кўнгул бўлди фараҳ уйна дохил,  
Кўзумга обрўйи бўлди ҳосил.

Фигоним тинди-у фаръед учти,  
Тараб келди-у ғам филҳол кўчти.

Фароғат рўдидин тегди садое,  
Башорат кўкидин етти навое.

Кўзумни чун битик юзина очтим,  
Суюгондин гуҳар бошина сочтим.

Не кўрармен иборатлар қилиб харж,  
Фаровон лутф ёқути этиб дарж.

Қалам ҳар сатрида меҳри ёшуруб,  
Кўториб заррани кўкка ошуруб.

Этиб алтоф анворини зоҳир,  
Сочиб ашъор баҳриндин жавоҳир.

Навозиш ганжини очиб илиги,  
Ситойишлар қилиб дарё илиги.

Этиб хошокни гавҳар билан тенг,  
Қилиб туфроқни анбар билан тенг.

Манго махсус этиб нуру зиёни,  
Улусқа кўргузуб кундуз ниҳони.

Сабо илини ўптум қўюбон бош,  
Анго ихлос нурун этибон фош.

Дедим: ёқинг кўнгул захмина марҳам,  
Даминг яхши масиҳотек қадам ҳам.

Қилойин сурма туфроқингни кўзга,  
Не турлук қўлоин узрингни ўзга.

Агар сендин учар элнинг чароғи,  
Манго сендин ёрур уммид боғи.

Карам кўргуз азимат маркабин сур,  
Ўзунгни ҳар нечук ит анда еткур.

Битидим нома айтиб хомани тез,  
Саросар дард аммо узромиз.

Дуо янглиғ они бўйнина илдим,  
Анинг еткурмокин бўйнина қилдим.

Тикилиб анда чун еткурди ўзин,  
Илина берди-у бошлади сўзин.

#### НОМАИ ПАНЖУМ АЗ ЗАБОНИ ОШИҚ БА МАЪШУҚ

Ало, эй ҳусну нозу шева кони,  
Тириклик чашма сорининг равони.

Шакар сўзлук нигори сарвқомат,  
Ки сен ўлтурдунг-у қўбти қиёмат.

Набот оғзинг ҳадисин то эшитти,  
Хижолаттин бошин олди-у йитти.

Сочингдин анбар эрур кўп уётлиқ,  
Қаро қулдур санго бир анбар отлиқ.

Янги ой кўрубон қошинг ҳилолин,  
Чиқориб бошидин эгри хаёлин.

Сабо ўзин қотингда сола олмай,  
Югуруб кўп дамани ола олмай.

Сочиб ҳар сори ямғуртек су ёшин,  
Аёгингга узотиб сарв бошин.

Кўнгулни куйдуруб юзунг чароғи,  
Кўрунуб лолатек ичинда доғи.

Юруб зулфунг илидин кечалар тун,  
Ёшунуб хижлатингдин ойлар кун.

Қотингда қанд ўзини элга сотиб,  
Унутуб ўзини сўзунгга қотиб.

Тушуб жон бўйнига зулфунг каманди,  
Бўлуб саргашталиқда пойбанди.

Бинафша сочинг оллида очилмай,  
Уёттин бошини юқори қилмай.

Юзунгнунг ғуссасидин кун иситиб,  
Фалак иситма йўқидин йититиб.

Кўюбон бошини хаттингга хома,  
Сўзунг этиб сабони гарднома.

Қилиб ойтек юзунг нурина пайдо,  
Этиб кун заррага меҳрин ҳувайдо.

Бу кун туттум тил тамоми бўлойин,  
Не тил бирлан лабинг узрин қулойин.

Агар жон тортсам жондин не ҳосил,  
Кўрунмас кўзга ул андин не ҳосил.

Агар тандин десам бир хоксори,  
Не кўрунгай эшигингда ғубори.

Агар олингда дам урсам фиғондин,  
Эшитиб хотиринг оғригай андин.

Агар солсам назарни кўз ёшина,  
Не бўлгай қатрае даръе қошина.

Мен эмди бир гадо сен подшоҳи,  
Магар жон тортқай оллингга оҳи.

Аёгинг туфроғин гар топсам эрди,  
Ани элнинг кўзидин ёпсам эрди.

Юзум олтунга тутгай эрди они,  
Кўзида асрагай эрди ниҳоний.

Вале ул мартаба ҳар кимга етмас,  
Бу савдода таманно осиқ этмас.

Итинг эй кошки бўлса қариним,  
Ўзин этса бу ерда ҳамнишиним.

Ки чун кўзум суйидин ўт кўкарса,  
Эшигингдин сўнгогимни кўтарса.

Мен ул итменки гар юз қатла сурсанг,  
Юз оюрмон агарчи юз уюрсанг.

Тушуб туфроқтек фориг ишидин,  
Не елтек ким келиб ўтгай кишидин.

Агарчи дард уйининг маҳраимен,  
Ғамингда нолаларнинг ҳамдаммен.

Ўмидим тангридин улдурки гаҳ-гаҳ,  
Ёругай кўзларим юзунгдин эй маҳ.

Ўзатқайсен сочингдин васл бўйин,  
Учургайсен келиб ҳижрон тутунин.

Аёгинг тузи бўлгай сурма кўзга,  
Улашқаймен етиб тортинмай ўзга.

#### ҒАЗАЛ

Юзунг бергай манго эй ҳусн боғи,  
Иноят кўргузуб ёрлиғ нишони.

Жамолинг нур солгай туфроғимга,  
Суюнгай қолибим руҳу равони.

Тузолиб сарв бўюнғ эшикимдин,  
Қириб келгай нитукким танга жони.

Хаёлинг юзланиб тушгай кўнгулга,  
Ясониб тебрагай ғам корвони.

Узатмағай илик баҳман бикин дард,  
Совулғай ранжу меҳнат достони.

Уятқай бахтни ноз уйқусидин,  
Кўзин очиб фароғат посбони.

Амирийким бўлибтур эмди ғунча,  
Очилғай ёзтек жону жаҳони.

#### ФАРД

Жаҳони ёруғай жони тирилғай,  
Тириклар сонина оти кирилғай.

#### МУТОЛИА НАМУДАНИ МАЪШУҚ НОМАН ОШИҚРО ВА ЖАВОБ ФИРИСТОДАН

Чу олди номани элин узотиб,  
Олурда мушк аро сандални қотиб.

Назар солди битик юзина ул ҳур,  
Даҳон ичинда, яъни кўзлари нур.

Тааммул қилди эрса нукта сарфин,  
Қилиб зеру забар ул ҳарф ҳарфин.

Мутавваб топти анда ишқ розин,  
Муфассал ичида бир-бир баёнин.

Муваддат равзасинда гул очилиб,  
Муҳаббат элидин райҳон сочилиб.

Гулум синди нишот оғзини йиғмай,  
Суюнуб гул бикин тўннина сиғмай.

Деди: ул не наво булбул не ишта,  
Ки бўлди ғам билан жони саришта.

Сочимға бормудур ёглиқ хаёли,  
Нечуктур ул паришонлиқда ҳоли.

Қошимнинг ёсидин тортарму ғамни,  
Кўрарму гўшаларда ул аламни.

Тегарму кирбукумдин жонина ўқ,  
Балони туш кўрарму кўзи ё йўқ.

Юзум хуршидидин ҳайрон юрурму,  
Бўлуб бир зарра саргардон юрурму.

Тегибмудур кўзин ҳолимға ул ёр,  
Агарчи айнға йўқ нуқта даркор.

Лабимдин жон етибмудур лабига,  
Ҳам андоқ соф борму мистарина.

Ичинда ишқ ўтидин борму сўзе,  
Тилар оғзимни ҳеч ул танг рўзе.

Тилимни оғзиға олурму, ё йўқ,  
Ароға сўзини солурму, ё йўқ.

Тишим лўълусидин ул кўзи даръё,  
Чиқарурму фалак янглиғ сурайё.

Зақан чоҳидаким ғамдин қутулмас,  
Нечуктур анда ул кўнгли тутулмас.

Гаҳе тортар хаёлим рўйинна жом,  
Эмастур сончидим симина худхом.

Белим розини айтурму кишига,  
Камартек тўлғонурму ҳеч ишига.

Недур ҳоли анинг ғам лашкаринда,  
Ё не оғрирму меҳнат бистаринда.

Итим фаръёдина гаҳ-гаҳ етарму,  
Кишисизлиғина ул раҳм этарму.

Тилади қоғазу чун бўлди мавжуд,  
Қалам тилини этти анбар олуд.

Битиди нома мазмуни латойиф,  
Қилиб шарту этиб кўнгулни воқиф.

Равон этти сабони нома бирлан,  
Тузатти йўлга туртуб хома бирлан.

Деди: борким кўзидур йўлда анинг,  
Қулоғи унгадур ул бенавонинг.



*НОМАИ ШАШШУМ АЗ ЗАБОНИ  
МАЪШУҚ БА ОШИҚ*

Ало, эй меҳри дард ангиз қилғон,  
Ичинда нолаларни тез қилғон.

Замони оҳ элидин кўнгли тинмай.  
Фигонлар тортибон найтек эринмай.

Тани заҳматқа қил янглиғ тузулуб,  
Гаҳе яхши бўлуб, гоҳи узулуб.

Тинибон турмайин бир ерда элтек,  
Кезибон кеча тонг отқунча йелтек.

Узин этиб жунун амрида маъруф,  
Бўлуб кафви бузуғлар ичида қуф.

Тузуб Фарҳодтек ғамлиқ бағирин,  
Лабим лаълин этиб кўнглига ширин.

Ҳамиша уйқусизлиққа қилиб ҳў,  
Тушида кирмайин умрида уйқу.

Юзум бирлан сочимни этибон ёд,  
Бўлубон кечаларда ойдин шод.

Сиришки тоза этиб каф ва кўйин,  
Фигони елга бериб обрўйин.

Фароғат юзина эшикни ёпиб,  
Маломат нардини нақшига тояиб.

Қилибон ишқи юз мансуба тасниф,  
Топиб шатранж эвитек тасниф.

Рухина кўз ёшин этиб равона,  
Хаёлим бирла ўйнаб ғойибона.

Етиб элдин ўтуб саҳро елитек,  
Юруб кўз ёшида даръё илитек.

Қилиб ғам илидин ҳайҳотни тағйир,  
Этиб ишқ оятин ўзига тафсир.

Манго йўқтур фиғоре сендин ўзга,  
Санго йўқтур ниғоре мендин ўзга.

Мени десанг дема сен ўзга жондин,  
Кўзунгни юм бори жону жаҳондин.

Кечар жонидин аввал сувда ғаввос,  
Ки то охир бўлур бир дурга ул хос.

Утар кўп чашмадин сайёди мағбун,  
Ки то моҳи кирар илина бир кун.

Кесар кўп шохни деҳқон билиги,  
Ки то бир мевага етар илиги.

Басе тошларни ҳар ён ташлар огоҳ,  
Ки то юз кўргузур бир лаъл ногоҳ.

Сен эмди ким янгидур ишқ доғи,  
Исинибтур арода меҳр аёғи.

Илик бергил манго паймон ичинда,  
Вафо шартини асраб жон ичинда.

Ки қолмас одаме бир хўйи бирлан,  
Ариғ йўқтур ҳамиша суйи бирлан.

Ғамимни ул жамоат ким едилар,  
Тариқингдин манго андоқ дедилар.

Ки ҳар нарғисга ул кўз солғучидур,  
Тили савсан бикин сўз солғучидур.

Кўруб ҳар сарвини борур ўзидин,  
Юруб жўёну сув турмас кўзидин.

Бўлуб бир ойга ҳар кун муқобил,  
Тушубтур ул назар илмида қобил.

Утар кўнглида ҳардам бир дилорой,  
Тилар кўзига кўрса бир янги ой.

Нега керак киши ҳар жойи андоқ,  
Не бар егай чу бўлса ройи андоқ.

Ўзи бир ердаю юз ерда кўзи,  
Тили иккию юз оғизда сўзи.

Киши улдурки бимдин жони тўйғай.  
Кабутартек оғиз оғзига қўйғай.

На булбултек ки бўлмас шарми ҳойил,  
Бўлур ҳар неча кун бир гулга мойил.

#### ҲАЗАЛ

Тилар бўлсанг юзумнинг лозазорин,  
Унутқин ўзга гулнинг хорхорин.

Лабим нақдин олур бўлсанг оғизга,  
Чиқорғил боштин ул майнинг хуморин.

Парилар оразина тортқил хат,  
Кўнгулда тиламас бўлсанг ғуборин.

Қўяберма ўзунгни сув сифатлик,  
Чу кўрсанг бир малоҳат чашма сорин.

Кўруб ҳар гулни ел янглиғ эришма,  
Совурмағил кўнгулнинг рўзгорин.

Не ҳожатким қасам киргай имога,  
Яминсиз билгил ишингнинг ясорин.

Эр улдурким кўнгул бермай кишига  
Ичида асрағай жонтек нигорин.

#### ҲАРД

Нигорин нечага улким илинди,  
Илик берди муроди кўнгли тинди.

#### МУТОЛИА НАМУДАНИ ОШИҚ НОМАИ МАЪШУҚРО ВА ЖАВОБ ФИРИСТОДАН

Чу лаъл этти аён фирузагун маҳд,  
Сафо қилди жаҳон бирлан этиб аҳд.

Улусға берди меҳр олтун суйини,  
Қилиб байъат қўюб итик хўйини.

Узулди элга райҳон рангидин қут,  
Хатин сандуқ ичинда солди ёқут.

Қошимға етти ул ёри ҳақиқий,  
Бўлуб ранги югурмоқтин ақиқий.

Иликда хат сўзи дурри саминтек,  
Не хатким ул нигористони чинтек.

Тутоберди манго жон туҳфасини,  
Тегурди яъни жонон туҳфасини.

Қародин кўзларимга нур берди,  
Ёруғлуқ расмина дастур берди.

Кўнгултек хатлари мажмуъ софи,  
Сафоға кўрмаги бор эрди кофи.

Қашишлар хатида аммо кўнгулга,  
Бори афсун бикин шайдо кўнгулга.

Қўюб қоғаз юзина нуқтадин хол.  
Жунун ҳарфина бир-бир нуқтаси дол.

Қалам тил учини анбарға булғаб,  
Илиги мушкни қоғазға чулғаб.

Қўзумнинг кирбуки бўлди гуҳарпош,  
Қаламтек ҳар хатина қўюбон бош.

Сенго боқтим анго чун кўз ёшитек,  
Қароғи майл кўргузуб қошитек.

Шабистон ичра топтим кўп раёҳин,  
Бериб ҳар гул насими руҳ роҳин.

Тили қонун билан тортиб иборат,  
Кўзи ҳар нуқтада айтиб ишорат.

Қалам тортинмайин айтиб замирин,  
Қилиб сўз қандидин тилини ширин.

Жалолат бирла тахт узра Сулаймон,  
Тилаб бир мўрдин илиги паймён.

Салобат бирла семурғи этиб жаҳд,  
Таманно кўргузуб бир сафвадин аҳд.

Саодат бирла хуршиди юруб тоқ,  
Қилиб бир заррадин дархост машёқ.

Гаҳеким қилса юзин кун ҳувайдо,  
Қачон худ соя бўлғай анда пайдо.

Чу мазмуни саросар бўлди маълум,  
Неким борди мубҳам бўлди мафҳум.

Қаламға сув бериб очтим тилини,  
Анга осон қилиб сўз мушкилини.

Битидим номаи унвони ихлос,  
Баёнимни маониға этиб хос.

Сариъ ус-сайреки ошиқона,  
Илимдин олди-у бўлди равона.

Чу етти анда кирди бир қироқдин,  
Анго топширдиу турди йироқдин.

*НОМАИ ҲАФТЎМ АЗ ЗАБОНИ ОШИҚ  
БА МАЪШУҚ*

Ало, эй нур буржининг сипеҳри,  
Вафо иқлимининг шойиста меҳри.

Кўзи чўлпон мунаввар орази бадр,  
Янги ой қоши сочи лайлатулқадр.

Уқуб ошиқ кўзи ямғур дуосин,  
Чу қошинг ўткариб олдида ёсин.

Бўюнг зулфунг оғиздин топибон ком,  
Улашмас гарчи танвину алиф-лом.

Чаманда сарв бўюнгдин бўлуб шод,  
Кўруб сени еридин сачраб озод.

Аёғингға қўюбон бошини қанд,  
Лабингдин суйи бир сўрмоққа хурсанд.

Кўзунг шаҳр ичра этиб шўру гавго,  
Бўлуб ҳар гўшадин юз фитна пайдо.

Кўнгулни қўймай ул рухсор холи,  
Димоғина солиб савдо хаёли.

Тилаб зулфунг лабингтек сиҳҳатини,  
Бериб андин бинафша шарбатини.

Келиб хурмо лабинг оллида хаста,  
Бинафша кўрунуб зулфунгга даста.

Сўзунгни эшитиб, эй жон ҳаёти,  
Чиқармай қанд ҳиндустон наботи.

Табассумда лабинг қилмай мадоро,  
Гуҳарни лаълинг этиб ошкоро.

Магар қотингда очти писта оғзин,  
Ким эл уруб паришон этти мағзин.

Сабо олингда бориб тортмай оҳ,  
Ки қотинг келмасун кўнгулунгға ногоҳ.

Нетук мен уройин ўз ғамимдин,  
Ки пўлод эригай ўтлуғ дамимдин.

На андоқ ўтқа учрабменки ўчгай,  
Кўнгул юртида ўртаб ўтни учгай.

Ғамимдин гар деса ичимдаги доғ,  
Булуттек йиғлағай ун тортибон зог.

Манго раҳм этки кўп бўлди нафирим  
Муанбар зулфни қил дастгирим.

Узун бўлди ғамим меҳнат тунитек  
Тулуб этгил манго давлат кўнитек.

Жамолингдин мунаввар қил кўзумни,  
Эшитма эл сўзин, эшит сўзумни.

Мен эмди хастау ғам ортмоқда,  
Хаёлинг олида жон тортмоқда.

Сен унутуб муҳаббат пешаларни,  
Соғиниб қондоғи андишаларни.

Менинг жонимға не ўтлуғ фиғонлар,  
Сенинг кўнглунгда не турлук гумонлар.

Тушубтур то эшикинг гарди кўзга,  
Кўрунмабтур кўзумга сурма ўзга.

Кўрубтур то янгоқинг сори дийда,  
Бўлубтур олмадин кўнглум гузида.

Борибмен то тишинг фикрида ўздин.  
Солибмен баҳр аро гавҳарни кўздин.

Топибмен то юзунгдин жон навосин,  
Чиқорибмен кўнгулдин гул ҳавосин.

Ким ой бурчида юлдузни топибтур,  
Тиконни гул соғиниб ўхшатибтур.

Ким айтибтур асалга сирка таржиҳ,  
Ўқубтур мухтасар илмини талвиҳ.

Ким айтувтур ачиқ оғуни тарёк,  
Тилабтур кўкнор ичинда афлок.

Ким олибтур оғизга ғўк йирин,  
Билибтур ҳусн аро шаккарни ширин.

Мени сен шамътек куйдирмокинг не,  
Жафоу жавр этокин турмокинг не.

#### ҲАЗАЛ

Юзунг кўзгудур, эй ҳусн ичра моҳим,  
Ҳазар қил ким они тутмосин оҳим.

Мени сен кўрма ожиз ким қавидур.  
Муҳаббат поясинда дастгоҳим.

Қародин чиқмайин зулфунгдин ўзга,  
Агар бир қил учи бўлса паноҳим.

Қутулмай қайғудин гар фурқатингда,  
Ғамингдин ўзга бўлса узрхоҳим.

Тузалмасун юзумдин қибла сийна.  
Гар ўзга сори бўлса рўйи роҳим.

Вафосизлиғ хатини тортма кўп,  
Битимас чун фаришта ул гуноҳим.

Амирийтек ки бўлсам зарра-зарра,  
Кўригай меҳринг идидин гиёҳим.

#### ҲАРД

Гиёҳим чиқса ногаҳ жонтек, эй дўст,  
Кўрунгай ошиқи бежонтек, эй дўст.

#### МУТОЛИА НАМУДАНИ МАЪШУҚ НОМАИ ОШИҚРО ВА ЖАВОБ ФИРИСТОДАН

Чу кўрди номани муҳр этти эҳсос,  
Қотиштурди или қундуз арос.

Кўзин солди анга ул моҳпайкар,  
Шабистон шамъдин қилди мунаввар.

Замоне ҳарф илмина исинди,  
Ичи куйди вале қўрқуб қисинди.

Ўзини асради ул соф машраб,  
Ки бор эди қамар олинда ақраб.

Анингтек ўқуди шеърэ ниҳони,  
Ки тўймай қолди ул элнинг ямони.

Анга ул шеър ароким қолди маҳзун,  
Радифи бор эди мақбул ва мавзун.

Зарифу саркашу зебоя жаммош,  
Қарин эрди анго балки қариндош.

Сўзи ширин ўзи раъноу хийра,  
Нечукким бодаға ҳамшира шира.

Ҳамиша соятек кунга мулозим,  
Бўлуб эришмаки бўйнина лозим.

Сўзи унига найтек боғлагон бел,  
Нетукким гул қошинда эврлуур ел.

Очаберди анга сарбаста розин,  
Деди бир-бир бори сўзу гудозин.

Замири машваратқа тузди оҳанг,  
Ғами тоғ этакина урубон чанг.

Йўқ эрди нола маҳрам чиқти бехост,  
Анго дедики кўргуз бир раҳи рост.

Йироқ борму они дамсоз қилсам,  
Ки хориж бўлғай ўзга нор қилсам.

Не дерсен мунда гар келтурсам они,  
Нухуфта ундасам ул бенавони.

Жавобнда деди ул қошни соҳиб,  
Ким анда парда очмоқ бор муносиб.

Кўк устидин солур ой ерга нурин,  
Ки то қасб этар андин ер ҳузурин.

Битиктин соя кўргузур ҳумойи,  
Ки то давлат топар андин гадойи.

Юқоридин иниб ямғур тушар бок,  
Ки то андин тирилур хору хошок.

Аларнинг чун бу сўзга тушти ройи,  
Ароға кирди рағбат кадхудойи.

Битиди пома олтун суйи бирлан,  
Вафоу меҳр расми хўйи бирлан.

Саодат маркабидин мужда бериб,  
Башоратлиқ хабарларни юбориб.

Қалам тили чу фориг бўлди андин,  
Давот оғзини ёпти таржимондин.

Сулаймон бегина топшурди Билқис,  
Ки бир-бир мўрға кўргузма талбис.

Дегин анда келурға рағбат эттук,  
Равон суҳбат яроғин қилки еттук.

## НОМАИ ҲАШТУМ АЗ ЗАБОНИ МАЪШУҚ БА ОШИҚ

Ало, эй ғамда топқон ранги табдил,  
Равон эткон кўзи шингарфтин нил.

Шафақтек кўз ёшидин бода паймой,  
Танидин кўргузуб ҳар кун янги ой.

Паришон кўнглига оғиз севар жон,  
Сиришки қаҳрабо устина маржон.

Тириклик соридин урмай нафас ҳеч,  
Чиқиб бот-бот дами аммо келиб ҳеч.

Фиғоне тортиб Исрофилтек сур,  
Қиёмат кунларитек шоми Дайжур.

Бериб аҳбоб савдосинда ғам даст,  
Аёғи сайр аро Мажнунға ҳамдаст.

Қийиклартек кезиб этиб жигархун,  
Ғами тоғу қизил ёши табархун.

Бўлуб қон кўнгли тинмай кўз ёшидин,  
Кечиб ўт ўртасида су бошидин.

Ғами Фарҳод янглиф кўргузуб зўр,  
Ғами Ширин валекин толии шўр.

Тузотиб кечалар игритек унин,  
Очиб тирноғи бирлан ғам тугунин.

Қилиб ўзига оҳу нолани ёр,  
Қутуб бир йўли ному нангдин ор.

Ўзин қўймай замоне барҳам урмай,  
Ютуб хунобау андин дам урмай.

Фироқингда кечар ҳар кеча йилтек,  
Таним белимга ўхшаш бўлди қилтек.

Кўзум ҳажрингда кўп бедорлиқдин,  
Кўтармас бошини беморлиқдин.

Қошим чандон сенинг фикрингни қилди  
Қи қайғудин бўйи ёйтек эгилди.

Сочим азбаски ўзин урди барҳам,  
Сенинг ҳолинг бикиндур вақти дарҳам.

Менинг жонимдадур кўнглунгдаги оҳ,  
Кўнгулдин бор кўнгул ичина чун роҳ.

Агар сен анда кўрсанг ногаҳ озор,  
Мен эшитиб бўлурмен мунда афкор.

Агар сен анда тўксанг ерга жола,  
Мен олурман кўзумдин мунда лола.

Агар сен анда бўлсанг ёшқа помол,  
Мен ўзумдин борурмен мунда филҳол.

Арода неча бўлғай меҳнату ғам,  
Ўзунгни қайғудин қутқар мени ҳам.

Чу мен бўлдум сенинг ғамни узатма,  
Бу савдода мени оламға сотма.

Чиқорғил бу муаммо мушкилидин,  
Ки ёлқиб тур қулоғим эл тилидин.

Менинг номусу номимни талашқин,  
Алифтек келгину элга улошқин.

Кўзунгдур айн оламдин қочурма,  
Муҳаббат нуқтасин юқори урма.

Тузолиб одамийлар хўйин олғин,  
Не дегай эл доғи охир уёлғин.

Илик урма маломат дафтарина,  
Аёғ босқин саломат кишварина.

Танинг ҳам тонисун бир бош аёғни,  
Тил очиб сўзга тиндурсун қулоғни.

Эл улус расмина кўкунгни тузгин,  
Бу хориж нағмадин кўнглунгни узгин.

Жунун сархушлуғидин ўзунга кел,  
Думоғингда ҳаводин солмағил ел.

Ки давлат келгусидур бўлма ғофил,  
Саодат бирла тузгунгдур маҳофил.

#### ҲАЗАЛ

Санго юз қайгусидур дилнавозинг,  
Келиб бош тўзгусидур сарвинозинг.

Иноят субҳидин совулгусидур,  
Дамодам шамътек сўзу гудозинг.

Фароғат елидин очилгусидур,  
Кўнгулда ғунчатек сарбаста розинг.

Башорат келгусидур хизматингга,  
Саодат бўлгусидур чорасозинг.

Бошингга чиққусидур май аёғи,  
Иликтин борғусидур ихтирозинг.

Тараб кўргузгусидур қоматини,  
Қазо бўлгусидур бир ер намозинг.

Муҳаббат сарвидин бар егусидур,  
Кўзунг суйи билан ариғ ниёзинг.

#### ҲАРД

Ниёзинг қолмағусидур кишига,  
Илигинг етгусидур васл ишига.

#### МУТОЛИА НАМУДАНИ ОШИҚ НОМАИ МАЪШУҚРО ВА ЖАВОБ ФИРИСТОДАН

Оғиздин ташлади чун лолани зоғ,  
Зиёфат баргин этти нилгун боғ.

Қўтарилди ародин тун ғубори,  
Ҳавони қилди тонг норинжи нори.

Замона чашмаси кўргузди симоб,  
Ёруди ер муҳайё бўлди асбоб.

Суюниб етти ул хушсўзлу қосид,  
Ки қилди мантиқи шарҳи макосид.

Таваққуъ кўргузуб ишида таҳсин,  
Бериб сувтек ҳаво ўтина таскин.

Иноят топшуруб илина маншур,  
Қаросидин оқарғон кўз топиб нур.

Муҳаббат бобидин тортиб неча фасл,  
Узун туммор аммо ичида васл.

Манго берди ки печидек очилғин,  
Қаросин кўзларингга сурма қилғин.

Ки давлат тушларингни қилди таъбир,  
Маломат кўз ёшингтек бўлди бир-бир.

•Кўрунди кўзунгга эл расму хўйи  
Яно оққон ариққа келди суйи.

Тулуъ этти бийиктин ҳиммат ойи,  
Тузалди базм аро ишрат саройи.

Чиқарди бахт гултек дудадин юз,  
Қаронғу кечада кўрунди кундуз.

Саодат саҳмидин солди сипар ғам,  
Мазаллат рўзгорин урди барҳам.

Башорат манзилина етти Билқис,  
Малолу қабз уйидин қўбти ангис.

Тузатти муштарий иқболу болин,  
Чиқарди бўйнидин гардуну болин.

Нишот этти тараб созини тартиб,  
Ҳавас кўргузди оҳангида таркиб.

Исиниб етти инак васл хони,  
Совулуб тебради ҳижрон хазони.

Тилагантек санго юз қўйди мақсуд,  
Тилакларингни бир-бир берди маъбуд.

Букун хулди ясо саъй эт юз алвон,  
Ки тонгла келтурур ҳурини ризвон.

Дедим: эй, қўтлуғ оғизлиқ қариним,  
Тили ширин яроғлиғ ҳамнишиним.

Қарам қилғин яна бир қатла борғин,  
Кўнгилни ғам ғуборидин чиқорғин.

Битидим номаи боғлаб хаёли,  
Жавобида этиб андин саволи.

Кўнгул чун арз берди жон талошин,  
Битимоктин қалам кўтарди бошин.

Илигини узатти ул ҳам овоз,  
Ошуғуб олди-у кўргузди парвоз.

Ҳаминким етти анда қолмайин кеч,  
Илинабердиу дам урмади ҳеч.

*НОМАН НУҲУМ АЗ ЗАБОНИ ОШИҚ  
БА МАЪШУҚ*

Ало, эй дийданинг рахшанда нури,  
Раёҳин жашнининг фархунда сури.

Бўйи шамшоду рангин орази гул,  
Лаби унноб мушкин сочи сунбул.

Ўзунгни то йироқ солдинг назартек,  
Кўзумдур су ичинда нилуфартек.

Юзунг хуршиди ҳуснининг закоти,  
Қамарға берибон ойлиғ бароти.

Ийбор фаттон кўзунгдин элга боқмоқ,  
Не ҳожат фитналар ўтина чақмоқ.

Жамолинг шуҳрати ҳар ёни кетиб,  
Паритек ҳурлар учмоққа етиб.

Тиниб тубий бўйингнинг соясинда,  
Ўзин тортиб муҳаббат поясинда.

Юзунгнинг шармидин чиқмай суманлар,  
Арусин пардада асраб чаманлар.

Кўзунг сеҳри улусда жон балоси,  
Аюруб бошларин зулфунг ҳавоси.

Солиб юзунг сочингдин ўтқа анбар,  
Саросима қилиб элни саросар.

Шакартек эрнинг уйқ анда қили  
Жабинтек ҳар сори юз минг қатили.

Хирад этиб ўзини санго мойил,  
Бўлубон ғайб асрорина мойил.

Кўнгул сачраб қаро зулфунгда қонтек  
Они сончиб чу анбар сар йилонтек.

Тегиб жон захмидин кўнглунгга роҳат,  
Агарчи бор ул санги жароҳат.

Санго йўқтур вуқуфе мушкилимдин,  
Лабинг кулғай магар узре тилимдин.

Фироқинг ёзи сайдо эй дилорой,  
Сочинг тундур мен аъроби-у, сен ой.

Неким десам юзунгдур андин ортуқ,  
Кўнгул олида лаълин жондин ортуқ.

Гаҳе ким берса ой шамъи зиёдин,  
Таваққуъ тутмағай таҳсин Суҳодин.

Қачонким кун чиқарса шуълалиғ юз,  
Суюнмағай ситойиш қилса юлдуз.

Дамекиб бўлса даръё парниёнпўш  
Тамавуж қилса хошок этмағай жўш.

Хиромон келурунгни то эшиттим,  
Ўзумдин сабрдек беҳост еттим.

Кўзумдур боғ кўнглум бир ариғ уй,  
Сўзум бир дур, бу икки ерда йўқ рўй.

Қаёндур майл то фикринг қилойин,  
Йибор елдин хабар то очилойин.

Агар боғ ичра ўлтурсанг чолиб чанг,  
Бийикларда тузуб бўюнгтек оҳанг.

Умидимнинг ниҳоли бор бергай,  
Юзум оби сиришки нор бергай.

Кўзумнинг мардуми қилғай мароғат,  
Кўруб шўробасин қилсанг қаноат.

Вагар уй ичра солсанг маснади ноз,  
Бўлубон айш аро не бирла дамсоз.

Кўнгул тутқай шароби кўз қониндин,  
Боғир бергай кабоби ўз ёниндин.

Ичимдин ўтру чиқ, қай нолау оҳ,  
Юзунг хуршидина бўлуб ҳавохоҳ.

Мени эмди ҳалок этти фироқинг,  
Шикеб озу фаровон иштиёқинг.

Юзунгнунг ишқидин то лоф урубмен,  
Қўпуб жону жаҳондин ўлтурубмен.

Ғамингда очибон савсан бикин сўз,  
Бўюнгда кўюбон наргис бикин кўз.

#### ҒАЗАЛ

Теку кўзумга васлинг марҳабосин,  
Иликтин бермагил ориғ яқосин.

Равон бўлғил бири эй оби ҳайвон,  
Кузум кўрсун доғи бир ошносин.

Висолингдан дам урғил субҳ янглиғ,  
Ерутуб меҳр аро нуру сафосин.

Кўнгулким тортадур ғам мотамини,  
Қаламтек бошидан олғил қаросин.

Ямонлиғни билур яхши рақибинг,  
Нетай берсун анинг тангри жазосин.



Хаёлинг келса кўзгузгай сиришким,  
Тўқуб оллида бир-бир мажаросин.

Умидийким гаминг жон ичра асрар  
Кўнгул ичида асроғил вафосин.

ФАРД

Вафосин соғиниб журмин унутқин,  
Иноят кўзин онинг сори тутқин.

*МУТОЛИА НАМУДАНИ МАЪШУҚ НОМАИ ОШИҚРО  
ВА ЖАВОБ ФИРИСТОДАН*

Чу очти номани ул зулфи занжир,  
Йиғишурди илиги қор аро фир.

Назар солди солибон сўз ароға,  
Нетукким кўз берур нурын қароға.

Уқур ҳолатда мими кўргузубсен,  
Суюнуб бетакаллуф қилди таҳсин.

Машаққат тунида ул кўзи фаттон,  
Юзини қилди ою, ғамни каттон.

Чиқарди ўзини ғам хилватидин,  
Сарандоз этти улфат шарбатидин.

Эсиб вуслат баҳоридин насими,  
Очилик себсириққа шавқ тими.

Исиниб меҳр хашхошина бозор  
Сотиб мисқолини жон нақдина ёр.

Анингким хотири бир ёни тортар,  
Ичида ишқ тарҳи ҳардам ортар.

Тараб жинсин чу воло кўрди ул ой,  
Кетарди или қайғу тўнидин лой.

Деди: усру исиндим васл ишидин,  
Нетайинким уёлурмен кишидин.

Очун рахти тилармен тила киргай,  
Жаҳон сўфи бори тафсила киргай.

Вафо боғида эмасмен ҳавойи,  
Юзумдур лолау аммо хитойи.

Бу кун эви етгай чун келди чинлик,  
Ки семурғ ичида қилсун жабинлик.

Қўёштек ер юзин тутсун қаноти,  
Узукин ташласун гардун баноти.

Ичида пардадори Зухра бўлсун,  
Мухолифни чиқориб узр қулсун.

Ошуғуб қилди отланур яроғин,  
Замони жилва берди ҳусн боғин.

Тилади кўзгуни-у тутти ўтру,  
Юзининг ичида кўринди кўзгу.

Тутунтек эгма қоши вусма қилгай,  
Кўзи худ сурмани кўзига илмай.

Юзи гулгунаси жонларга офат,  
Аёқтин бош қади ҳусну латофат.

Ясамади юзин ул меҳр моҳи,  
Ки гултек энглиги эрди илоҳий.

Ўзин чун сайрга қилди мураттаб,  
Йиғилди гардина бир неча кавкаб.

Қалам урди қароға ул сўзи чин,  
Қалам тилин йилонтек қилди мушкин.

Чу кўргузди кўнгул розин билиги,  
Битимок соридин тинди илиги.

Анга топшурдиким бир ерда турмас,  
Юрур кун юғра урмоқтин дам урмас.

Деди: еткур ангаким йўқ қарори,  
Йўлумда боз не ҳад интизори.

НОМАИ ДАҲУМ АЗ ЗАБОНИ ОШИҚ  
БА МАЪШУҚ

Ало, эй сабр элидин тортқон жом,  
Вафо Мисрида кўрган кўзлари шом.

Ғамидин оҳ ноқил нола рови,  
Бўлуб умрида меҳнат умру рови.

Қилиб ғам хилъатини ошқора,  
Қизил атлас ичи-у тоши хора.

Чиқариб кўкка ҳар кун нолаларни,  
Сочиб хайри юзина лолаларни.

Осиқсиз умри савдо кечаситек,  
Қаро кунларни ялдо кечаситек.

Тилаб уйқуни топмай кўзин очиб,  
Юмуб очқунча кўзин уйқу қочиб.

Иситиб кечалар ўтлуғ дамидин,  
Табиб оллида дам урмай ғамидин.

Аламдин то юзина ўлтуруб хўй,  
Фараҳдин секириб набзи паёнай.

Оғизланмай лаби ишида тадбир,  
Бурун чоқтин фиғон бирлан тили бир.

Чиқиб хокитек оҳи ҳардам андин,  
Иироқ ташлаб они яхши-ёмондин.

Бало зиндонида кўзин яшартиб,  
Қўйиб ўзини-у оҳини тортиб.

Юзум зулфумга кўргузуб ниёзин,  
Узотиб кечалар ҳожат намозин.

Тегуруб васл этокина ўзини,  
Қўюб миқрозтек икки кўзини.

Келиб сар-сар бикин ўтти ситамлар,  
Биҳамдуллоҳки қечти барча ғамлар.

Бу кундин сўнгра очилди жаҳонинг,  
Совуқ дай чилласидин чиқти жонинг.

Булуттек кўзларингдин тўкмайин ёш,  
Чиқар чимган бикин туфроқтин бош.

Ки кўргузди чаман тўти қанотин,  
Битиди булбула ишрат баротин.

Ғазалхон бўлди бўстон ичра дуррож,  
Кўнгулдин сабрларни қилди торож.

Чиқарди сарв аро қумри сафирин,  
Самандартек тўзуб ўтлуқ нафирин.

Риёҳин ранги бир-бир бўлди маҳбус,  
Чамантек жилвасин кўргузди товус.

Ёвуқтурким кесаклар қилғай овоз,  
Қилиб Исо қушитек кўкта парвоз.

Қуруқ қолди бу лаззатлардин ағёр,  
Исиқ қилмас соғирғон бу тимор.

Бориб булбулни қилгин мажлис афруз,  
Дегин, оҳанг тузким бўлди наврўз.

Равон шамшодқа сунни юборгин,  
Ки Монитек безасун شوху баргин.

Хабар қил сарвға ким бўлсун огоҳ,  
Узатмасун ўзига ғамни ногоҳ.

Йиғочтин ваҳм бергил норванға,  
Ки кунда соясин солсун чаманға.

Ишорат қил суманға ким очилсун,  
Нисор учун дирам янглиғ сочилсун.

Чиқорғил гулни хилват хонасидин,  
Ерутқил шамънинг парвонасидин.

Тегур савсанғаким очсун тилини,  
Чиқарсун ичидин дарду дилини.

Тилагин долани сол сўз ароға,  
Башорат бергил ул кўнгли қароға.

Дегин, наргисгаким билсун ўзини,  
Хумор уйқусидин очсун кўзини.

Буюргил елкаким фаррош бўлсун,  
Кўзунг суйи билан йўлдош бўлсун.

#### ҲАЗАЛ

Тузатгин мажлисе бўстон ичинда,  
Бу юмки элт алифтек жон ичинда.

Юзумдин боғни қил тозаким ёр,  
Ярошур ёсамин райҳон ичинда.

Лабим полудасиндин чошни ол,  
Иликингни узатқил хон ичинда.

Висолим ойидин кўзумни ёрут,  
Шафақтек қўйма они қон ичинда.

Шакар эрнимдин эт кўнгулни холи,  
Тузолма най бикин афғон ичинда.

Илик бергинча сургил май кумайтин  
Мудом асра они жавлон ичинда.

Қадаҳтин тортқил розини андоқ  
Ки қолсун шуҳрати даврон ичинда.

#### ҲАРД

Ичинда ул кишининг ким ғами бор,  
Не ғам ер чун мунигдек ҳамдами бор.

*МУТОЛИА НАМУДАНИ ОШИҚ НОМАИ МАЪШУҚ  
ВА БА ТАНҲИЯИ АСБОБИ СИҲАТ МАШҒУЛ ШУДАН*

Чиқарди субҳ чун гулгун имори,  
Насими куйдуруб уди қимори.

Кўнгулдин учди ғам тун қўзғунитек,  
Қарориб тебради ҳижрон кунитек.

Қанотин ёпти кўк узра ҳавосил,  
Фароғу бол улусқа бўлди ҳосил.

Қатимға етти ул мурғи Ҳумоюн  
Ким они соя янглиғ асради кун.

Бошина қўюбон ҳудҳуд бикин тож,  
Шараф ичра олиб семурғдин бож.

Қаноти ичида хатни ёшуруб,  
Ишимда жаҳдини ҳаддин ошуруб.

Ҳаминким тинди волиди дамнини,  
Чиқориб берди ул жон марҳамини.

Кўнгулга ёқти-у келдим ўзумга,  
Губорин тўтаё қилдим кўзумга.

Битикидин саводи олди дийда,  
Ким эрди васл тарихи гузида.

Кўзумнинг мардуми чун бўлди қори,  
Юзидин пардасин олди юқори.

Бу эрди сўз чу қилдим эҳтиётин,  
Ки ёзлиғ ерда ёй суҳбат бисотин.

Анингтек ерга топсун айши равнақ,  
Фалак баҳроми ўт қўйсун Ҳаварнақ.

Зиёфат фикри чун тушди бошимға,  
Тобуқчиларни ундадим қошимға.

Буюрдумким қилинг меҳмон яроғин,  
Иситинг мажлис ичра хон аёғин.

Арода келтурунг кофурдин шамъ  
Ироғ тутманг замоне нурдин шамъ.

Ёрутунг ўт ичин товуқ унидин  
Ки то эрикмасун суҳбат тунидин.

Тиланг ўрдакни қўйманг бор ичинда,  
Ки солсун олма бошин нор ичинда.

Чаман саҳнида тўқунг меваларни,  
Теринг соқий кўзидин шеваларни.

Олинг куп оғзидин балчиқни филҳол,  
Лабиндин сўрунгуз сарбаста аҳвол.

Чағир суйидин этинг шира гардун,  
Қўюнғ ўртада қўйманг тийра гардин.

Қўбузчи бошина солинг ҳавони,  
Ки тутсун юз тўрғайтек навони.

Йир авжиға дингиз яхши ясолсун,  
Оғирлаб унини юқори олсун.

Мураттаб бўлди чун суҳбат яроғи,  
Кўнгул тинди ва юз берди фароғи.

Хабар қилди етиб бир хўжа отлиғ,  
Илиғи моя соридин уётлиғ.

Ки лаззат неъмат етти угулуб,  
Машаққат заҳмати чиқти тўкулуб.

*РАСИДАНИ МАЪШУҚ БА ҚУЛБАИ ОШИҚ  
ВА ДАСТ ДОДАНИ ВИСОЛ*

Жаҳон чун қирдин ёйди қаранфул,  
Ҳаво экти суман устина сунбул.

Фалак қўйди энгина анбарин хол,  
Аёғи мой бошидин қилди халхол.

Тегурди тун ели зулфина шона,  
Кавокиб ёши бўлди дона-дона.

Кириб келди қошимға ул дилорой,  
Юзи андоқки мушкин парда волой.

Сочи умру лаби жон чашмаситек,  
Қаронғулуқда ҳайвон чашмаситек.

Юзи хуршид янглиғ нур этиб фош,  
Юзи олдида бўлуб кеча хаффош.

Салом этмакка чун эгилди қошим,  
Аёғиға югуруб тушди ёшим.

Юзини очти ул давлат аруси  
Илик берди саодат пойбўси.

Кўнгул тахтина андин сўнгра ошти,  
Ки ўлтурмак анга андо ярошти.

Тузалди оллида руду маю жом,  
Улашти суҳбату топти саранжом.

Муғанний сеҳр аро бўлди фусунсоз,  
Чиқарди ҳар иликидин бир овоз.

Йиғочдин барг олиб тебратти бошин,  
Биришим важҳидин тузди маошин.

Масиҳо соридин мутриб дам урди,  
Унини кўтариб кўкка ошурди.

Уни ҳар кўккаким юзланди бехост,  
Ўзин еткурди қилди қўлини рост.

Бўлуб булбул чаман ичида шабхон,  
Унидин очилиб гуллар юз алвон.

Аёғтек тез кийиб соқий паёпай,  
Оғиздин ўтубу бошқа чиқиб май.

Ародин чун такаллуф расми етти,  
Май ўти эл димоғини иситти.

Деди лутф илан ул сарви гуландом  
Ким, оғзи писта эрди кўзи бодом.

Амирий туз бир оҳанге ўзунгдин,  
Ўқи бир неча сўзе ўз ўзингдин.

Ишорат қилди чун ул ҳусн зайини,  
Ироқийвор мен туттим Ҳусайни.

Ўқудум лаълитек бир шеъри раинин,  
Латифу обдору тархи сангин.

Ҳаминким зеҳни кўргузди тааммул  
Хаёлин елитек қилди тахайюл.

Аёғ олиб ичиб туркона тилни,  
Кўтарди қизлар илан мўътадилни.

Тутаберди манга ул ҳусн боғи,  
Юқунуб тура бирлан меҳр аёғи.

Илидин олдимун ичтим тўқуб ёш,  
Аёғитек илин ўптум қўюб бош.

Газак берди манга оғзи лабиндин,  
Дам урди ичгучилар машрабиндин.

Юзидин шавқ бозори бўлуб тез,  
Ароға кирди ҳар соат юз ангиз.

Гаҳе шавқ ила шафтолуни узмак,  
Гаҳе обини нор устина тузмак.

Гаҳе қанду ҳарир ичинда мумтоз,  
Гаҳе аттор ул ишдин, гоҳ баззоз.

Гаҳе гул хирманиндин хўша термак,  
Гаҳе ўйнашмоқ-у, гоҳ этабермак.

Гаҳе олмоқ назарга гавҳари пок,  
Гаҳе сарроф бўлмоқ, гоҳ ҳаккок.

Тонг отқунча бу иш бўлди саросар,  
Ки то муқри деди, оллоҳу акбар.

Равон қўбти еридин ул сумансоқ,  
Азимат нақшини кўргузди офоқ.

Тилади ошуғуб оллида шабранг,  
Видои кўргузуб отланди дилтанг.

Равон бўлди олиб гул баргини ел,  
Илик тишлаб анинг бормоғидин эл.

Кел, эй соқий ки борди жон чароғи,  
Тутабергил манго боштанг аёғи.

Ачиқ су бер қилиб девонау маст,  
Ки бериб тур манго шўробаи даст.

## ДАР АРЗИ ҲОЛИ ХУД...

Замонеки тuzалса айш асоси  
Эрур вожиб вале неъмат сипоси.

Нечук мен қилмайин эмди дуо арз,  
Ким ўзга элга вожибтур манга фарз.

Бу султон саъйи еткурди қанотим,  
Ки парвоз эттиму билгурди отим.

Бу хуршид олди эҳсон соясинда,  
Ким элим етти Салмон поясинда.

Бу дарё парвариш қилди бaсе бил,  
Ки кўргуздум ариғ гавҳар очиб тил.

Бу давлат нури кўрунди кўзумга,  
Ки гардун муштари бўлди сўзумга.

Бу Жамшид ўлди жоним дастгири,  
Ки бўлдум шеър мулкининг Амири.

Худоё то ёрутур чархи бемехр,  
Ўзин Заҳҳок кўргузур Манучеҳр.

Ерутсун ер юзини бе тағайюр,  
Юрутуб ҳукми султони Бойсунғур.

## ДАР ХАТМИ КИТОБ

Чу ногоҳ пардадин чиқти бу тимсол,  
Эшикимдин севунуб кирди иқбол.

Деди: эй сўзи рангинларга арнанг,  
Қаламдин кўргузубон сеҳру найранг.

Санго сўз файзи бўлмай бир замон панд,  
Сўзунг сеҳри қилиб элни забон банд.

Сочиб хома тилидин мушку анбар,  
Қилиб олам думоғини муаттар.

Туман минг ранг бердинг бир қародин,  
Кўтардинг чин мисолини ародин.

Қаламға берди зеҳнинг тезлиғни,  
Анга ўғратти ранг омизлиғни.

Бу нозик тарҳлар келмас кишидин,  
Нетук мен нақл этай Моний ишидин.

Ким ул сурате қилди падидор,  
Бу ишда сурату маъни бори ёр.

Дедим: эй туфроқинг кўз тутиёси,  
Не туфроқ ким саодат кимийёси.

Эрур бу ранглик гуфтор мушқил,  
Эмас осон хаёли бор мушқил.

Тасарруф кучидин сўзни узатмоқ,  
Ер ўқ йўлида юз минг қатла отмоқ.

Илина улки сўздин олди чавгон,  
Агар рад қилса инак гўю майдон.

Солиғлиғ тур бу хон отини суртек,  
Илигин тузға бисмиллоҳ тегуртек.

Бу ишнинг ўзгача варзишлари бор,  
Демактин бошқа анинг ишлари бор.

Аларким кўргузурлар зеҳнидин жўш,  
Нечук қилғайлар охир гулни хаспўш.

Бу кун туттум Аторудтек аламдин,  
Дам урғайлар бори лавҳу қаламдин.

Инод этиб анга бўлғашмағайлар,  
Вале инсофтин худ ошмағайлар.

Биҳамдуллоҳки фурсат берди даврон,  
Езилди номалар бошина унвон.

Бититек эмди тарихини котиб,  
Эрур тарихи учун забти вожиб.

Илоҳи сендин ўзга йўқ паноҳим,  
Исиниб хазратингда чиқти оҳим.

Гаҳеким берсанг уюкдук баротин,  
Амирийга нишон бер анда отин.

Анга бердинг чу девон дафтарини,  
Ато қилдинг маони кишварини.

Низомийтек ишин бедарду ранж эт,  
Анинг «Даҳнома»сини «Панж ганж» эт.

Иноят элини ул гулдин олма,  
Кўтаргил они нори бери солма.

Ким ул жон равзасидин чиқти ногоҳ,  
Анго сен бер кўнгуллар ичина роҳ.

Ўқурғонға мазид этгил билигин,  
Битигонға равон қилгил илигин.

Янги ойтек они кўргуз жаҳонға  
Етургил Қирвондин Қийронға.